
ФАРҒОНА ВА БАТКЕН ВИЛОЯТЛАРИ ЎРТАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Қирғизистоннинг Баткен вилояти губернаторининг биринчи ўринбосари Маруфхан Тулаев бошчилигидаги делегация аъзолари Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида инвестиция ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кун давомида вилоятимизда бўлишди.

Меҳмонлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Олтиариқ, Ёзёвон Қўштепа, Фарғона туманларидаги тўқимачилик корхоналари фаолияти ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Хусусан, Фарғона шаҳридаги собиқ Механика заводи ҳудудида жойлашган “Forestcolor” МЧЖ ва “Ferghana Wonderland textile” МЧЖ томонидан йўлга қўйилган тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш жараёнлари, гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Feranter Gilam” МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти қирғиз ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотди.

Марғилон шаҳридаги “Рашид тех” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти кўрсаткичлари, “Марғилон Умар текс” МЧЖдаги пайпоқ ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳам меҳмонларга маълумотлар берилди.

“Мерфен” МЧЖнинг хориж маҳсулотлари билан нархда ҳам сифатда ҳам бахслашишга қодир пойабзал маҳсулотлари ҳам делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида Фарғона шаҳрида “Uz-Segang” қўшма корхонаси томонидан амалга оширилаётган мева ва сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш ишлари, Ёзёвон туманидаги балиқчиликни ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар ҳам меҳмонлар эътиборига хавола этилди. Кун давомида қирғиз делегация аъзолари вилоятимиз ҳудудларида кўплаб ишлаб чиқариш марказлари, тўқимачилик корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларга гувоҳ бўлдилар.

Фарғоналик тадбиркорлар жалб этилган Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида ўтган якуний учрашувда икки томон вакиллари ҳамкорликни кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда йўлга қўйиш чора-тадбирлари бўйича келишиб олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-06-08 22:38:55